

СУХДА ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭҲТИРОМ



Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таълим соҳасини янада ривожлантириш, ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътирофга сазовор. Зеро, таълимга эътибор бу келажакга эътибор деганидир. Олис Сухда ҳам яратиб берилаётган имкониятлар самараси ўлароқ таълим сифати тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Туманга Президент Администратсияси топшириғига асосан бир гурӯҳ соҳа мутахассислари, олий таълим ректор ва ўқитувчилари мактаблардаги таълим сифати, бешта муҳим ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш, амалий ёрдам бериш мақсадида ташриф буюрдилар. Фарғона политехника институти ректори бошчилигида туманга келган ишчи гурӯҳ дастлаб 11 -сонли умумтаълим мактабида бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан сўхбатлашдилар.



Сухда тожик миллатига мансуб аҳоли яшайди. Шунинг учун мактабларда таълим тожик тилида олиб борилади. Аммо биринчи синфга келган мактаб ўқувчиси ҳам давлат тилида бемалол сўзлаша олади. Зеро, Сухда давлат тилига эҳтиром мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидан эмас, оиладан бошланади. Давлат тилини ўз она тилларидек яхши билган ва бемалол сўзлаша олган сухлик ўқувчилар ишчи гурӯҳ аъзоларини ҳайратда қолдиришди.



Тумандаги умумтаълим мактабларининг сони йигирма тўққизтани ташкил этади. Ҳар бир мактабда бешта муҳим ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар сезиларли даражада кўзга кўринмоқда. Яна бир муҳим жиҳат, туманда турли олийгоҳларга ўқишга кираётган ёшларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу эса, турли соҳаларда кадрлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этилишида муҳим аҳамият касб этади.



Сух тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати
2019-10-19 16:33:49